



# СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

«МЕЖДИСЦИПЛИНАРНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОВРЕМЕННОЙ РЕВМАТОЛОГИИ»  
ПОСВЯЩЕННОЙ 90-ЛЕТИЮ СО ДНЯ РОЖДЕНИЯ  
**ПРОФЕССОРА ТУХТАСИН САЛИЕВИЧА САЛИЕВА**

***PROFESSOR TUXTASIN SOLIYEVICH SOLIYEV***  
TAVALLUDINING 90-YILLIGIGA BAG'ISHLANGAN  
«ZAMONAVIY REVMATOLOGIYADA FANLARARO MUAMMOLAR»  
MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY- AMALIY ANJUMAN

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Азизова Ф.Л. – Тошкент тиббиёт академияси Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор.
- Мирахмедова Х.Т. – 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудури.
- Набиева Д. А. – 1-сон факультет ва госпитал терапия, касб патологияси кафедраси мудури.
- Дадабаева Н.А. – 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси доценти, т.ф.н.
- Мирзалиева А.А. – 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти.
- Бердиева Д. У. – 1-сон факультет ва госпитал терапия, касб патологияси кафедрас доценти.
- Абдуллаев У.С. – 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти.

*Конференция материаллари ревматологиянинг долзарб муаммолари, ревматологик касалликларни замонавий ташхислаш усуллари, даволашда замонавий инновацион ёндашувлар, коморбидлик ва мультиморбидлик муаммолари, ревматологик касалликларнинг реабилитацияси ва профилактика масалаларига бағишланган.*

**Кенг учрайдиган ва асосий ревматологик касалликларда илмий тадқиқот ишлари натижалари илмий асослаб берилган.**

**МАЗКУР «ZAMONAVIY REVMATOLOGIYADA FANLARARO MUAMMOLAR»  
MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN MATERIALLAR TÛPLAMI  
ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ТИББИЁТИНИНГ УЛКАН НАМОЯНДАЛАРИДАН БИРИ,  
РЕВМАТОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИНING АСОСЧИСИ,  
БУ СОҲАДА ИЛМИЙ МАКТАБ ЯРАТГАН АТОҚЛИ ОЛИМ,  
РЕСПУБЛИКАДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТИББИЁТ ХОДИМИ,  
Т.Ф.Д., ПРОФЕССОР ТЎХТАСИН СОЛИЕВИЧ СОЛИЕВНИНГ  
ЁРҚИН ХОТИРАЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ**

Профессор Тўхтасин Солиевич ревматология соҳасининг тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган олим, инсоният учун муҳим бўлган икки касбни – ўқитувчилик ва шифокорликни маҳорат билан уйғунлаштирган юксак иқтидор соҳиби эди. Илм орқали халққа хизмат қилишни, билимдон шогирдлар тайёрлашни умрининг мазмуни деб, ҳаётини шу эътиқодга бахшида этган фидойи устоз сифатида ҳар иккала касбда ҳам энг олий мақомга эришиб, халқнинг ҳурмати ва ишончига сазовор бўлди.

Тўхтасин Солиев республикада ревматология мактабига асос солди, унинг ташаббуси билан МДХ мамлакатларида биринчи бўлиб 1991 йил Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғига биноан ИАДК – ихтисослашган амбулатор даволаш курси - Республика артрология маркази ташкил қилинди ҳамда ревматологик беморларга тўлиқ ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатила бошланди. 1993 йилда эса бу марказга Республика ревматология маркази мақоми берилди. Унда ҳар йили 40-50 минг бемор амбулатор даволаниб, меҳнат қобилиятини тиклаб келмоқда.

Бугунги кунда ҳам унинг шогирдлари замонавий шифо усулларида фойдаланган ҳолда доимий тиббий эътибор ва назоратга муҳтож ревматологик беморларни даволаб келмоқда. Республикада вилоятларида ҳам профессор Солиев илмий мактабига мансуб алалиётчи-тадқиқотчи шифокорлар кўп, улар устоз ишларини масъулият билан давом эттиришмоқда.

Устоз ҳам олим, ҳам шифокор, ҳам инсон сифатида ҳақиқий ватанпарварларнинг энг олий тоифасига мансуб эди. Тўхтасин Солиевич деган мўътабар ном нафақат тиббиёт соҳасида, балки умумзиёлилар орасида, халқаро миқёсда катта шуҳрат қозонган эди. Унинг умри яхшилик улашиш, савоб амаллар, хайрли ёдловлар билан яна узоқ йиллар давом этади. Зеро, Тўхтасин Солиев яратган инсонийлик, шифокорлик ва олимлик мактаби, фидойилик фалсафаси билан ёғдуланган ҳаёт йўли истиқлол фарзандлари учун ибрат бўстониدير.

Кейинги йилларда тиббиётга давлат сиёсати даражасида эътибор кўрсатилмоқда. Домлага ўхшаш дилкаш, ўз соҳасини яхши кўрадиган ва яхши биладиган олижаноб ва довиорак мутахассислар, профессор Солиев яратган илмий мактабнинг ватанпарвар ворислари - улуғ устозларига муносиб фидойи ревматологлар сафи янада кенгайишидан умидвормиз.



киритилди. Барча беморлар сурункали бел оғриғидан азоб чекишган. АС ташхиси ўзгартирилган Нью-Йорк мезонларига мувофиқ тасдиқланди. Назорат гуруҳи сифатида тадқиқот протоколларини қабул қилган 42 нафар соғлом одам киритилди. Текширувдан олдин барча беморлар ва назорат гуруҳидан розилик олинди. Лаборатор текшируви учун иштирокчиларнинг тирсак веналаридан веноз қон намуналари олинди. Тадқиқот маҳаллий этик қўмитаси томонидан 2021/203 рақами билан тасдиқланган ва Хелсинки декларацияси тамойилларига мувофиқ ўтказилди. Шунингдек, беморларни касаллик босқичлари бўйича асосида уч гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ эрта босқичдаги беморлар (30 нафар); 2-гуруҳ тарқалган босқичдаги беморлар; ва 3-гуруҳ кечки босқичдаги беморлар.

**Тадқиқот натижалари.** АС гуруҳи ва назорат гуруҳининг ўртача ёши мос равишда  $32,4 \pm 7,06$  ва  $30,0 \pm 6,24$  йилни ташкил этди. Гуруҳлар ўртасида демографик кўрсаткичларнинг бирортаси бўйича сезиларли фарқ йўқ эди ( $p > 0,05$ ).

АС билан оғриган беморлар ва соғлом назоратчиларнинг лаборатор кўрсаткичларини таққослаш 1-жадвалда келтирилган. ЭЧТ, СРО ва ИЛ-23 даражалари АС гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада юқори эди (мос равишда  $p < 0,001$ ,  $p < 0,013$ ,  $p < 0,012$ ).

Беморларнинг учта кичик гуруҳидаги барча клиник кўрсаткичлар эрталабки шахтлик давомийлигидан сезиларли даражада фарқ қилди.

Корреляция таҳлили АС билан оғриган беморларда ЭЧТ, СРО ва ИЛ-23 даражалари ўртасида сезиларли муносабатни аниқлади (мос равишда  $r = 0,328$ ,  $p = 0,030$  ва  $r = 0,392$ ,  $p = 0,008$ ). АС гуруҳида ИЛ-23 даражалари ва ЭЧТ ва СРОдан ташқари лаборатор ёки клиник кўрсаткичлар ўртасида сезиларли боғлиқлик йўқ эди. Бундан ташқари, BASDAI шкаласи ASQoL, BASFI ва VASQoL оғриқ кўрсаткичлари билан сезиларли даражада боғлиқ эди.

Бундан ташқари, АС билан оғриган беморлар периферик артрит мавжудлигига қараб икки гуруҳга бўлинган. 31,5% беморда периферик артрит ижобий бўлса, 68,4% беморда салбий. ИЛ-23 даражалари периферик артрит ижобий гуруҳида сезиларли даражада юқори эди ( $p < 0,05$ ).

**Хулоса.** Интерлейкин 23 АС ривожланиши ва/ёки патогенезида роль ўйнаши мумкин ва яллиғланиш реакциясининг реакцияларида иштирок этади.

## AKSIAL SPONDILOARTRITDA QO'LLANILUVCHI O'NO-A INGIBITORINING KASALLIK KLINIK FAOLLIGI BILAN BOG'LIQLIGI BAHOLASH

Muhammadiyah S.M., Matchanov S.X., Kengesbaeva M.S., Shomuxitdinov Sh.Sh., Israilov A.A.  
Toshkent tibbiyot akademiyasi, Toshkent, O'zbekiston

Ankilozlovchi spondilit (AS) - spondiloartritlar (SpA) guruhiga kiruvchi, ko'pchilik holatlar-da patologik jarayonga entezislar va periferik bo'g'imlarning jalb qilinishi va potensial oqibati ankilozga aylanishi bilan ifodalanadigan, umurtqa pog'onasi va tos-son bo'g'imi zararlanishi bilan kechuvchi surunkali yallig'lanish kasalligi. Ko'pchilik revmatologik kasalliklarni davolash asosida yotuvchi surunkali immun-yallig'lanish jarayoni faolligini pasaytirishda ishtirok etuvchi O'NO- $\alpha$  ingibitorlari, nafaqat kasallikning klinik kechishini va bemorning umumiy ahvoli yaxshilanishi, balki kasallik patogenezining birlamchi bo'g'inlaridan ta'sir ko'rsatish orqali uning faolligini pasaytirish hususiyatiga ega.

**Tadqiqot maqsadi.** AS bilan kasallangan bemorlarda O'NO- $\alpha$  ingibitorlari bilan davolash kasallik klinik faolligi bilan bog'liqligini baholash.

**Tadqiqot materiallari va metodi.** Tadqiqot o'tkazish maqsadida Toshkent tibbiyot akademiyasi ko'p tarmoqli klinikasining revmatologiya va kardiorevmatologiya bo'limlarida statsionar davolangan, kasallik klinik faolligi bir xil bo'lgan 20 ta (o'rtacha yoshi  $36 \pm 4,5$ ) erkak jins vakillari olindi. Kasallik klinik faolligi darajasi BASDAI va ASDAS-SRO va BASFI funksional indekslariga va laborator ko'rsatkichlarga ko'ra baholandi. Random usuli orqali bemorlar ikkita guruhga ajratildi va birinchi guruh vakillariga bazis yallig'lanishga qarshi dori vositalari, simptomatik davo, SHJM va fizioterapiya, ik-

kinchi guruh bemorlarga qoshimcha asosiy davo preparati sifatida O'NO- $\alpha$  ingibitori – adalimumab ("humira" AbbVie Biopharmaceuticals, AQSH ) 40mg teri orasiga har 14 kunda tavsiya etildi.

**Natijalar va munozara.** Bemorlar xumira 40mg qabul qilishdan avval umumklinik va maxsus (o'tkir va surunkali virusli gepatit B,C, aktiv yoki latent kechuvchi sil va bir qancha nevrologik kasalliklar) ga tekshirishlardan o'tkazildi, qarshi ko'rsatmalar aniqlanmaganidan so'ng davo boshlandi. 6 oylik davolash kursidan keyin bemorlardagi dastlabki va davodan keyingi to'ldirilgan klinik funksional anketalar natijalari quydagi ko'rinishga ega bo'ldi: BASDAI funksional indeksi medianasi 4.3 [2.2; 6.0] ball dan 3.3 [2.0; 4.0] ballga pasayishi, ASDAS-SRO indeksi o'rtacha 2.2 dan 1.4 ga va BASFI funksional indeksleri o'rtacha 2.7 dan 2.1 ga pasayishi aniqlandi. Davodan oldingi va so'ngi laborator ko'rsatkichlar ECHT o'rtacha 18 mm/soatdan 10 mm/soatgacha, SRO ko'rsatkichlarining 7.0 mg/l dan 3.0 mg/l gacha pasayishi kuzatildi. Kurs davomida nojo'ya ta'sirlar kuzatilmadi.

**Xulosa.** Tadqiqot natijasida AS kasalligining patogenetik davosi sifatida qo'llaniluvchi O'NO- $\alpha$  ingibitorining kasallik faollik darajasiga sezilarli ta'zir qilishi aniqlandi va patogenetik davolash vositasi sifatida yaxshi samara beradi, degan xulosaga kelindi.

## AKSIAL SPONDILOARTRITDA OSTEOPENIK SINDROM KUZATILISHI VA UNING KASALLIK FAOLLIK DARAJASI BILAN BOG'LIQLIGI

Muhammadiyeva S.M., Kengesbaeva M.S., Matchanov S.X., Usmonova S.S.,  
Nurmuxamedova N.S

*Toshkent tibbiyot akademiyasi, Toshkent, O'zbekiston*

Ankilozlovchi spondiloartrit (AS) – umurtqa pog'onasi ankilozi, entezopatiyalar rivojlanishi, turli xil tizimli ko'rinishlar bilan nomoyon bo'luvchi, seronegativ spondiloartritlar (SNSA) guruhiga kiruvchi va revmatologik kasalliklar orasida tarqalganligi bo'yicha ikkinchi o'rinni egallaydi. Revmatologik kasalliklar asosida yotuvchi surunkali immun-yallig'lanish jarayoni suyak metabolizimiga bevosita yomon ta'sir ko'rsatadi. Ankilozlovchi spondiloartrit va spondiloartritning boshqa shakllaridagi bemorlardagi osteoporoz uchrash chastotasi va rivojlanish mexanizmi to'liq o'rganilmagan. Ankilozlovchi spondiloartritdagi osteoporoz, kasallikning faol surunkali yallig'lanish jarayoni bilan bog'liqligi aytilmoqda.

**Tadqiqot maqsadi.** AS bilan kasallangan bemorlarda osteopenik sindrom uchrashi va uning kasallik faolligi bilan bog'liqligini baholash.

**Tadqiqot materiallari va metodi.** Tadqiqot o'tkazish maqsadida Toshkent tibbiyot akademiyasi ko'p tarmoqli klinikasining revmatologiya va kardiorevmatologiya bo'limlarida statsionar davolangan AS tashxisi tasdiqlangan 60 ta (o'rtacha yoshi  $34 \pm 3.5$ ) bemorlar olindi. Kasallik klinik faollik darajasi: umurtqa pog'onasi va boshqa bo'g'imlardagi og'riq, ertalabki karaxtlik, tana harorati ko'tarilishi, ekssudativ o'zgarishlar rivojlanganligi va laborator ko'rsatkichlarga (eritrotsitlar cho'kish tezligi (ECHT), S-reaktiv oqsil (SRO), defenilalanin ( DFA)) ko'ra baholandi va bemorlarda densitometriya (asosan ultratovush (UTT)) amaliyoti o'tkazildi.

**Natijalar va munozara.** Tadqiqotga jalb etilgan bemorlarda kasallik davomiyligi 5 yilgacha muddatda bo'lgan, yani kasallikning kechki bosqichida bo'lgan bemorlar bu tadqiqotda ishtirok etmagan. Shuningdek, tadqiqotda qatnashgan bemorlar turli muddatda faqat nosteroid yallig'lanishga qarshi dori vositalarini qabul qilganlar, agressiv terapiya (gormonal preparatlar, bazis vositalar bilan davolanmaganlar) olib borilmagan. Olingan natijalar yuqoridagi ko'rsatib o'tilgan ko'rsatkichlarga ko'ra I faollik darajasi 9 ta bemorda (15%), II faollik darajasi 23 ta (38.3%) bemorda, III faollik darajasi 28 ta (46.7%) bemorlarda aniqlandi. Shundan, densitometriya natijalariga ko'ra (asosan T mezoniga asoslangan xolda) I faollik darajali bemorlar ortasida suyak mineral zichligi kamayish holati 2 ta bemorda, II faollik darajasida 8 ta bemorda va III faollik darajali bemorlarning 17 tasida kuzatildi. Bu ko'rsatkichlar umumiy bemorlar soniga qarab taqsimlanganda: yuqoridagilarga mos ravishda 3.3%, 13.3% va 28.3%ni tashkil qildi.

**Xulosa.** Tadqiqot natijasida AS bilan xastalangan bemorlarning suyak mineral zichligi o'zgarishi va kasallik faollik darajasi o'rtasida uzviy to'g'ri bog'liqlik aniqlandi. Shu sababli, AS yuqori faollikda ke-

## СОДЕРЖАНИЕ

## РЕВМАТОЛОГИЯ

Амриллаев У.Ш., Ахмедов И.А. РЕВМАТОИДАРТРИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ПЕРИФЕРИК ҚОНИДАГИ ЛИМФОЦИТЛАРНИНГ СУБПОПУЛЯЦИЯ ТАРКИБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	4
Miraxmedova X.T., Sadikova N.G., Botirova N.A. 2 TIP QANDLI DIABET BILAN OG'RIGAN BEMORLARDA DIABETIK NEFROPATIYANING ERTA BOSQICHIDA KLOTNO OMILINING AHAMIYATI	4
Miraxmedova X.T., Sadikova N.G., Botirova N.A. QANDLI DIABETNING 2 TIPIDA RIVOJLANGAN SURUNKALI BUYRAK KASALLIGINI ERTA TASHXISLASHDA KLOTNO HAMDA SISTATIN C NI AHAMIYATI	5
Гадаев А.Г. Хужақулова Ф.И. СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ КАМҚОНЛИК БИЛАН КЕЧГАНДА КОЛЛАГЕН IV КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЎРГАНИШ	6
Ганиева Н.А., Джураева Э.Р., Зияева Ф.К., Бердиева Д.У. ТИЗИМЛИ СКЛЕРОДЕРМИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ЮРАК ЗАРАРЛАНИШИНИ ЭХОКАРДИОГРАФИЯ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА БАҲОЛАШ	7
Исламова К.А. TGFB1 ГЕН ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ ЭРТА РИВОЖЛАНГАН ОСТЕОАРТРОЗ КАСАЛЛИГИДА АҲАМИЯТИ	7
Qushaqov D.U., Nabieva.D.A., Matchanov S.Q., Folatova A.A. PODAGRA KASALLIGI BILAN DAVOLANUVCHI BEMORLARNI DINAMIKADA KUZATISH VA BAHOLASH	8
Miraxmedova X.T. Aybergenova X.Sh. TIZIMLI QIZIL BO'RICHADA KLINIK-LABORATOR VA IMMUNOLOGIK KO'RSATKICHLARNING BUYRAK JAROHATLANISHIDA DIAGNOSTIK VA PROGNOZTIK AHAMIYATI	9
Mansurova N.N., Matchanov S.X., Sirliboyev I.A., Abdurazzakova D.S. REVMATOID ARTRITDA KOMBINIRLANGAN BAZIS TERAPIYANING HAYOT SIFATIGA TA'SIRINI BAHOLASH	10
Mansurova N.N.; Matchanov S.X.; Sirliboyev I.A.. REVMATOID ARTRITDA KOMBINIRLANGAN BAZIS TERAPIYANING HAYOT SIFATIGA TA'SIRINI BAHOLASH	10
Махаммадходжаева Х.Б., Набиева Д.А. ИНТЕРЛЕЙКИН 23 НИНГ АНКИЛОЗЛОВЧИ СПОНДИЛОАРТРИТ ЭРТА ТАШХИСОТИДАГИ АҲАМИЯТИ	11
Muhammadiyeva S.M., Matchanov S.X., Kengesbaeva M.S., Shomuxitdinov Sh.Sh., Israilov A.A. AKSIAL SPONDILOARTRITDA QO'LLANILUVCHI O'NO-A INGIBITORINING KASALLIK KLINIK FAOLLIGI BILAN BOG'LIQLIGI BAHOLASH	12
Muhammadiyeva S.M., Kengesbaeva M.S., Matchanov S.X., Usmonova S.S., Nurmuxamedova N.S. AKSIAL SPONDILOARTRITDA OSTEOPENIK SINDROM KUZATILISHI VA UNING KASALLIK FAOLLIK DARAJASI BILAN BOG'LIQLIGI	13
Пулатова Ш.Б., Набиева Д.А., Мирзажонова Г.С., Туркашев С. АНКИЛОЗЛОВЧИ СПОНДИЛИТДА ЮРАК ВА АОРТА ШИКАСТЛАНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	14
Rasulova N.R., Shiranova Sh.A. PODAGRA BILAN OG'RIGAN BEMORLARDA KO'Z ANOMALIYALARINING XUSUSIYATLARI	14
Сагатова Д.Р., Хидоятова М.Р., Абдуазизова Н.Х., СТЕРОИДНЫЙ ОСТЕОПОРОЗ У БОЛЬНЫХ РЕВМАТОИДНЫМ АРТРИТОМ	15
Sultanova M.X., Salimova N.D. Xidoyatova M.R. Sherbekova D.U. METABOLIK SINDROM VA UNING REVMATOID ARTRITNING KLINIK VA LABORATOR KO'RSATKICHLARI BILAN O'ZARO BOG'LIQLIGI	15
Sultanova M.X., Ziyayeva F.K., Salimova N.D. TIZIMLI QIZIL BO'RICHA BILAN OG'RIGAN BILAN BEMORLARDA YURAK-QON TOMIR ZARARLANISHI	16